



ЖАРҲ ВА ТАЪДИЛ УЛАМОЛАРИНИНГ МУҲАММАД ИБН УМАР ВОҚИДИЙ БОРАСИДА АЙТГАН ГАПЛАРИ

Жамбилов Мансур Расулжонович

“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси

I босқич таянч докторанти,

Тошкент ислом институти

“Ҳадис ва Ислом тархи фанлари”

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Имом Воқидийнинг шахсияти, улғайиш даври ва илмий ҳаётини ўрганиш орқали у зотни яхшироқ таниб олиш;*

Имом Воқидий ёзган асарлардан бохабар бўлиш; исломий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тарих борасида асар ёзишдаги Имом Воқидий намоён қилган йўналишни баён қилиб бериш

Калит сўзлар: *Муҳаммад ибн Умар Воқидий, аҳли сунна вал жамоа, шиа, маънавият ва турли илмлар, Ироқ мадрасаси, ислом тарихи.*

Воқидийнинг ҳадис илмидан хабардорлиги борасида жарҳ ва таъдил уламоларининг турли хил фикрлари мавжуд. Баъзи олимлар уни ривоят қиладиган ҳадисларининг ишончлигига қараб юксак даражаларга кўтаришади. Аксинча эса, баъзи олимлар уни заифлик даражасига тушириб, баъзан ёлғон ва мавзу ҳадислар тўқишда айблашади.²⁴

Бу икки тоифа олимларнинг фикрлари қуйидагича баён қилинган:

1. Уни адолатли деб ҳисоблаган олимларнинг сўзлари:

Имом ас-Соғоний²⁵ Воқидий ва унинг фазилатлари ҳақида зикр қилиб: “Мен Воқидийдан ривоят қилишдан уялмайман” дейди.²⁶

Муҳаммад аз-Зухалий²⁷ Воқидий ҳақида: “Аллоҳга қасамки, бордию менинг наздимда у сиқа бўлмаганда, тўрт имом ундан ҳадис айтмаган бўларди.” дейди.²⁸

Мусъаб аз-Зубайрий²⁹ Воқидийни еслаб “Унга ўхшашини ҳеч қачон кўрмаганман.” деди.³⁰

²⁴ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидий. Маҳмуд Абулхайр таҳқиқи. Китаб ар-ридда.-Иордания: “Дар ал-фурқон” нашриёти, 1434/2013.-Б.10

²⁵ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Тазкирот ал-хуффош.-Саудиа Арабистони: “Дару иҳя ат-турош ал-арабий” башриёти, 1374/1954.-Ж.II.-Б.573.

²⁶ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.8.

²⁷ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳасан ал-Куфий Абулало аз-Зухалий. Сиқа ва сабт бўлган. Ҳижрий 300-йилда (мил.912.й) вафот етган. Қаранг: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Тақриб ат-таҳзиб. -Ҳалаб: “Дар ар-Рашид” нашриёти, 1408/1988.-Ж.II.-Б.466

²⁸ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.9.

²⁹ Тўлиқ исми Мусъаб ибн Абдуллоҳ ибн Собит ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввома Абу Абдуллоҳ ал-Мадийнийдир. У насаб илми (гениология) ва араб тарихи бўйича олим бўлган. Ҳижрий 236-йилда (мил.850.й)



Язид ибн Ҳорун³¹: “Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид сиқа ровийдир” деди.³²
Иброҳим ал-Ҳарбий³³ Воқидий ҳақида: “Ислом аҳлига нисабатан инсонларнинг ичида кўпроқ ишониладиганидир.” дейди.³⁴

Қосим ибн Салом³⁵: “Воқидий сиқа ровийдир.” дейди.³⁶

Ал-Мусайбий³⁷ ва Абу Яҳё аз-Зухрий³⁸ Воқидий ҳақида сўралганда: “У сиқа ва омонатдор ровий” деб жавоб беришган.³⁹

Аббос ал-Анбарий⁴⁰: “Воқидий менга Абдураззоқдан кўра маҳбуброқдир.” дейди.⁴¹

2. Жарҳ билан айблаган олимларнинг сўзлари:

Имом Насоий⁴²: “Воқидий сиқа эмас.” деди.⁴³

Имом Шофеъий⁴⁴: “Воқидийнинг китоблари ёлғон” деди.⁴⁵

вафот етган. Қаранг: Хатиб Аҳмад ибн Али ибн Абу Бакр Бағдодий. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ХIII.-Б.111.

³⁰ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. 3жуз.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Б.9.

³¹ Тўлиқ исми Язид ибн Ҳорун ибн Зазон ас-Сулабий бўлиб, Бау Сулаймининг мавлоси бўлган. Сиқа ровий хижрий 206-йилда (мил.821.й.) вафот етган. Қаранг: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Тақриб ат-таҳзиб.-Ҳалаб: “Дар ар-Рашид” нашриёти, 1408/1988.-Ж.І.-Б.1084.

³² Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ІІІ.-Б.11.

³³ Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Башир ал-Бағдодий ал-Ҳарбий бўлиб, кўплаб таснифотлар соҳиби, имом, ҳофиз, аллома, шайхул ислом ва Ироқ олими бўлган. Хижрий 285-йилда (мил.898.й.) вафот етган. Қаранг: Жамолиддин Абулфараж ибн ал-Жавзий. Аҳмад ибн Али таҳқиқи. Сифат ас-софва.-Қоҳира/Миср: “Дар ал-ҳадис” нашриёти, 1421/2000.-Ж.І.-Б.512.

³⁴ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ІІІ.-Б.5.

³⁵ Абулҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқиқи. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал. -Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1413/1992.-Ж.ХХІІІ.-Б.354.

³⁶ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ІІІ.-Б.12.

³⁷ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Мусайбий бўлиб, Муҳаммад ибн Обид ал-Махзумий ал-Маданийнинг фарзанди бўлган. Ростгўй ровий. Хижрий 236-йилда (мил.858.й.) вафот етган. Қаранг: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Тақриб ат-таҳзиб.-Ҳалаб: “Дар ар-Рашид” нашриёти, 1408/1988.-Ж.ІІ.-Б.54.

³⁸ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Яҳё ибн Абдуллоҳ аз-Зухалийфир. Сиқа ровий. Хижрий 258-йилда (мил.880.й.) вафот етган. Қаранг: Абул Ҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқиқи. Таҳзиб ал-камал фий асма ар-рижал.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1413/1992.-Ж.ХХХІ.-Б.15.

³⁹ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ІІІ.-Б.11.

⁴⁰ Тўлиқ исми Аббос ибн Абдулазим ал-Басрий. Сиқа ровий. Хижрий 246-йилда (мил.868.й.) вафот етган. Қаранг: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб.-Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1404/1984.-Ж.ХХХІ.-Б.85.

⁴¹ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ІІІ.-Б.11.

⁴² Тўлиқ исми Аҳмад ибн Шуайб ибн Али ан-Насоий. Ҳофиз, имом. Хижрий 303-йилда (мил.915.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.ХІV.-Б.125.

⁴³ Қаранг: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб.-Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1404/1984.-Ж.ІХ.-Б.457.

⁴⁴ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон. Имом, аср олими, ҳадиси ходими ва миллат фақиҳи бўлган куняси Абу Абдуллоҳ ал-Қураший сўнгра ал-Матлабий аш-Шофеий ал-Маккий ал-Ғаззий. Хижрий 204-йилда (мил.816.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало. -Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.І.-Б.5.

⁴⁵ Ибн Абу Ҳотим Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идирс ар-Розий. Ал-Жарҳ ват-таъдил.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1373/1953.-Ж.ВІІІ.-Б.21.



Аҳмад ибн Ҳанбал⁴⁶: “Воқидий ҳадисларни қалб қилар (баъзисини баъзиси билан аралаштириб) юборар эди.” деди.⁴⁷

Абу Исъҳоқ ал-Жузжоний⁴⁸: “У мақнаъ (келтирган ривоятга ишонилдиган) бўлмаган.” деди.⁴⁹

Абу Зуръа⁵⁰ Воқидий ҳақида сўралган вақтда, “Инсонлар унинг ҳадисини тарк қилишган.” деди⁵¹. Бошқа манбада “У заиф ровий” деди.⁵²

Али ибн ал-Мадийний⁵³дан Воқидий ҳақида “Воқидий ҳадис тўқийди” деб айтганлиги нақл қилинган.⁵⁴ Бошқа манбада Али ибн ал-Мадийний: “Воқидий ривоятга ҳақли эмас, ундан ривоят қилинмайди” дейди.⁵⁵

Бундар ибн Башшор⁵⁶: “Воқидийдан кўра ёлғони кўпроқ ровийни кўрмаганман” дейди.⁵⁷

Исъҳоқ ибн Роҳувайҳ⁵⁸ Воқидий ҳақида: “У менинг наздимда ҳадис тўқийдиганлардан” дейди.⁵⁹

⁴⁶ Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ибн...Ҳайён ал-Бағдодий бўлиб, миллат фақиҳларининг биридир. Ҳижрий 241-йилда (мил.863.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.ХІ.-Б.177.

⁴⁷ Ибн Абу Ҳотим Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идирс ар-Розий. Ал-Жарҳ ват-таъдил. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1373/1953.-Ж.VIII.-Б.21.

⁴⁸ Тўлиқ исми Иброҳим ибн Яъқуб ал-Жузжоний бўлиб, сиқа, хофиз. Ҳижрий 259-йилда (мил.842.й.) вафот етган. Қаранг: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқи. Тақриб ат-таҳзиб. -Ҳалаб: “Дар ар-Рашид” нашриёти, 1408/1988.-Ж.І.-Б.118.

⁴⁹ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.15.

⁵⁰ Тўлиқ исми Убайдуллоҳ ибн Абдукарим бўлиб, хофизлар саййиди ва Рай муҳаддиси бўлган. Ҳижрий 260-йилда (мил.845.й.) вафот етган. . Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало. -Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.III.-Б.65.

⁵¹ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.14.

⁵² Ибн Абу Ҳотим Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идирс ар-Розий. Ал-Жарҳ ват-таъдил.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1373/1953.-Ж.VIII.-Б.21.

⁵³ Тўлиқ исми Али ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ас-Саъдий ал-Басрий, шайх, имом, ҳужжат ва ҳадис бобида мўминлар амири бўлган. Ҳижрий 234-йилда (мил.856.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.ХІ.-Б.59.

⁵⁴ Муҳаммад ибн Амр ибн Мусо ибн Ҳаммод ал-Ақийлий. Ҳамдий ибн Абдулмажид ибн Исмоил ас-Салафий таҳқиқи. Аз-зуафа. -Риёз/Саудиа Арабистони: “Дар ал-Асмаъий лин-нашр ват- тавзиъ” нашриёти, 1420/2000.-Ж.II.-Б.290.

⁵⁵ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.13.

⁵⁶ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Башшор ибн Усмон ибн Довуд ибн Кайсон бўлиб, лақаби “Бундор”, хофизлардан бири. Нисбати ал-Басрий. Ҳижрий 252-йилда (мил.835.й.) вафот етган. Қаранг: Ибн Макуло Али ибн Ҳибатуллоҳ. Ал-икмнал фий рофиъ ал-иртияб ан ал-муъталаф вал мухталаф фил асма вал куна.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нбашриёти, 1411/1988.-Ж.І.-Б.356.

⁵⁷ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.14.

⁵⁸ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исъҳоқ ибн Иброҳим ал-Марвазий бўлиб, “Ибн Раҳувайҳ” номи билан машҳур. Имом, олим, фақиҳ вахофиз бўлган. Найсобур қозиси. Ҳижрий 294-йилда (мил.906.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.ХIII.-Б.545.

⁵⁹ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.14.



Закариё ас-Сажий⁶⁰: “Бағдод қозиси Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид ёлғончилик ила айбланган” дейди.⁶¹

Закариё ибн Адий⁶²: “Воқидий маҳфуз бўлмаган ҳадисларни ривоят қилади.” дейди.⁶³

Имом аз-Заҳабий⁶⁴дан Воқидий ҳақида “Уни тарк қилишга ижмо қилинган” дея нақл қилинади.⁶⁵

Мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, бутун мусулмонлар наздида хусусан, сияр, мағозий ва тарих асъҳоблари наздида Воқидий эгаллаган юксак мартабага қарамасдан, бироқ ҳадис аҳли у борада бир-бирига қарши икки йўлда юришган. Ҳаттоки юқорида кўрган миз сингари баъзи олимлар уни заиф санаб, унга таъна қилишган бўлса, бошқалар унинг ҳадисини тарк қилишга чақиришган. Учинчи тоифа олимлар эса, уни сиқалик мартабасидан тушириб, ёлғончилик ва ҳадис тўқишда айбланган.

Шиаликка мансублиги борасида айтилган гаплар

Бошқа тарихий манбаалардан фарқли ўлароқ фақатгина Ибн Надим⁶⁶ (438/1046) ўзининг қуйидаги сўзи билан Воқидийни шиа тоифасига мансуб дея келтирган. “Воқидий шиаликка эътиқод қилар ва “тақийя”⁶⁷ни лозим тутар эди. Унинг ривоят қилишича, Мусо алайҳиссалом учун асо, Исо алайҳиссалом учун ўликларни тирилтириш бўлгани каби Али ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мўжизаларидан бири бўлган.”⁶⁸

⁶⁰ Закариё ибн Яҳё ал-Басрий. Ҳижрий 307-йилда (мил.919.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Хусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.ХІV.-Б.199.

⁶¹ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод. -Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.ХХІV.-Б.16.

⁶² Тўлиқ исми Закариё ибн Адий ал-Куфий бўлиб, имом ва ҳофиз бўлган. Ҳижрий 211-йилда (мил.826.й.) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Шуайб Арнаут, Хусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут/Ливан: “Муассасат ар-рисала” нашриёти, 1401/1981.-Ж.Х.-Б.442.

⁶³ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Нуриддин Итр таҳқиқи. Ал-муғний физ зуафа.-Байрут/Ливан: “Дар ихя ат-турос” нашриёти, 1391/1971.-Ж.ІІ.-Б.619.

⁶⁴ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймаз аз-Заҳабий бўлиб, “шамсуд дин” лақаби билан машҳур бўлган. Муҳаққиқ, тарихчи ва ҳофиз аллома бўлган. Кўплаб шаҳарларни илм талабида кезиб чикқан. Юзга яқин асарлар ёзган бўлиб, улар ичида машҳур бўлганлари: “Сияру аълам ан-нубало”, “Тазкирот ал-хуффо”, “Ал-ибар”, “Мийзан ал-ийтидол “. Заҳабий Ҳижрий 747-йилда (мил.1346.й) вафот етган. Қаранг: Муҳаммад ибн Шокир ал-Кутубий. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Фават ал-вафаят. -Байрут/Ливан: “Дар ас-сакофат” нашриёти, 1392/1973.-Ж.ІІ.-Б.305.

⁶⁵ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Нуриддин Итр таҳқиқи. Ал-муғний физ зуафа.-Байрут/Ливан: “Дар ихя ат-турос” нашриёти, 1391/1971.-Ж.ІІ.-Б.619.

⁶⁶ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим ал-Бағдодий. Куняси Абулфараж. Шиаликка мансуб тарихчи олим. У ўзининг “Ал-фихрист” (Мундаижа) асари билан танилган. Қаранг: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Умар Абдусалом Тадмурий таҳқиқи. Тарих ал-ислам ва вафаят ал-машаҳир вал аълам.-Байрут/Ливан: “Дар ал-китаб ал-илмий” нашриёти.-Ж.ХХVІІ.-Б.398.

⁶⁷ Шиалар наздида “тақийя” бу ҳақиқатни аксини кўрсатишдир. У бошқаларни алдаш учун шиа бўлган инсонга мубоҳ бўлади. Мана шу “тақийя”га асосан, шиаликка мансуб бўлган киши зоҳирида ботинида еътикод қиладиган нарсаларини инкор қилади. Қаранг: Ибн Қаййим Муҳаммад ибн Абу Бакр Айюб аз-Зурьий. Юсуф Аҳмад ал-Бакрий таҳқиқи. Аҳкаму аҳл аз-зимма. –Саудия Арабистони/Дамам: “Дару Ибн Ҳазм” нашриёти, 1418/1997.-Ж.ІІ.-Б.1038.

⁶⁸ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Юсуф ат-Товил таҳқиқи. Ал-Фихрист.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1416/1929.-Ж.І.-Б.111.



Замондош тарих ёзувчиларидан Холид Илол ҳам Ибн Надим каби унишиаликка мансуб деб, бунга учта далилни келтиради. Улар қуйидагича:

1. Шофейй, Аҳмад, Бухорий, Муслим, Насойй, Абу Довуд, Термизий ҳадис олимлари унга ёлғончи дея нисбат бериб, ҳадис тўқиш ҳамда мажхул (номаълум) ровийлардан мункар ҳадисларни ривоят қилишда айблашади. Бунга муқобил тарзда Иброҳим Ҳарбий, Абу Бакр Соғоний, Мусъаб ибн Абдуллоҳ каби олимлар уни сиқа ровий дея эътироф этишган. Бу эса ўз ўрнида киши – яъни, Воқидий – илм аҳли билан муомаласида “тақийя” йўлини тутганлигига ишора қилади. Бир тоифа олимларга унинг ёлғони маълум бўлган бўлса, бошқа тоифа олимлар унга ростгўйлик нисбатини беришган.

2. Воқидий ўз йўналишига мос келадиган шиаликка мансуб ривоятларни ҳам келтирган. Мисол тариқасида “Худди Мусо алайҳиссалом учун асо, Исо алайҳиссалом учун ўликларни тирилтириш бўлгани каби Пайғамбаримиз алайҳиссалом учун ҳам Али мўжизалардан бири эди” дея келтирган ривоятидир.

3. “Ал-фихрист” асари муаллифи, шиа тоифасига мансуб олим Ибн Надим Воқидий ҳақида аниқ тарзда баён қилиб, “Воқидий гўзал тарзда шиаликка эътиқод қилар ва “тақийя”ни лозим тутар эди.” деди.

Сўнгра Холид Илол “Иккинчи далил кучлироқдир. Воқидий келтирган тарихий ривоятларда саҳобаларга яширин гина-адоват қилиш ҳамда шиа тоифасига мансублиги намоён бўлиб туради.” дея айтган гапини қувватлаб қўяди.⁶⁹

Юқорида келтирилган айбловларга қарши қуйидагича муноқаша қилиш мумкин:

Биринчидан, Ибн Надим рофизий бўла туриб, унинг рижолларни адолатли ёки мажруҳ дея ҳукм бериш борасида айтган гапи қачондан аҳли илмлар наздида ҳужжатга айланиб улгурди. Бу далилнинг асоссиз эканлигини исботлаш учун айтишимиз мумкинки, бу одам (яъни, Ибн Надим) ўзининг “Ал-фихрист” асарида имом Шофейй ҳақида зикр қилиб, “Шофейй шиаликни қаттиқ тутганлардан эди” дея келтиради.⁷⁰

Имом Шофеййга нисбатан бу гапларни айтган одам Воқидий борасида бу гапларни айтиши ҳеч ажабланарли эмас.

У Ибн Исъҳоқ борасида “У таъна қилинган ва эргашиш жоиз бўлмаган кишидир”⁷¹ дея, Абу Исъҳоқ ал-Фазорий⁷² борасида “У илм бобида тенги йўқ

⁶⁹ Холид Илол. Мадрасат ал-каззабин фий риваят ат-тарих ал-исламии ва тадвиниҳи.-Жазоир: “Дар ал-балағ” нашриёти, 2003.-Б.66.

⁷⁰ Муҳаммад ибн Исъҳоқ ибн Надим. Юсуф ат-Товил таҳқиқи. Ал-Фихрист.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1416/1929.-Ж.І.-Б.263.

⁷¹ Муҳаммад ибн Исъҳоқ ибн Надим. Юсуф ат-Товил таҳқиқи. Ал-Фихрист.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1416/1929.-Ж.І.-Б.105.

⁷² Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳорис ал-Фазорий аш-Шомий, хофиз ва улугимомлардан бири. Қаранг: Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Али ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. -Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1404/1984.-Ж.VIII.-Б.454.



олим. Бироқ у ҳадис ривоятида кўп хато қилувчилардан⁷³ дея айбловларни ҳам келтирган.

Иккинчидан, на қадимий ва замондош тарожим (олимларнинг фаолияти) китобларининг бирортасида Воқидий борасида “шиа” деб айтилмаган⁷⁴. “Демак, у олимлар хато қилгану Ибн Надим тўғри йўлни тутганми?!” деган савол туғилади.

Учинчидан, рофизий⁷⁵-шиаларнинг эътиқодий масалаларидан бири бу икки халифадан – Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумодан – вос кечиш ва иккисини ҳақоратлашдир. Имом Аҳмад “Рофизий ким?” дея сўралган вақтда “Абу Бакр ва Умарни сўкадиган одам рофизийдир” дея жавоб берган.⁷⁶

Шунингдек, рофизий-шиаларнинг эътиқодий қоидаларидан бири бу қўлимизда турган бу Қуръон ўзгартирилган ва аслидан камайтирилган бўлиб, унга суянилмайди, унга ишонилмайди ва қироат ҳам қилинмайди.⁷⁷ Хусайн ал-Мавсавий “Шиа олимларининг бири муҳаддис Нурий Тубарсий Қуръоннинг ўзгартирилганлигини исботлаш мақсадида “Фасл ал-хитоб фий исбати таҳрифи китаби Раббил арбаб” (Раббул арбоб бўлган зотнинг китоби ўзгартирилганлигини исботлаш борасида қисқача сўз) деб номланган улкан китобни жамлаб, унда Қуръоннинг ўзгартирилганлигига ҳужжат бўладиган икки мингдан ортиқ ривоят келтирган ва унда мусулмонларнинг қўлидаги Қуръоннинг ўзгартирилганлиги борасида очиқ-ойдин қилиб, барча фақиҳлар ва шиа олимларининг сўзларини жамлаганлигига ишора қилган.⁷⁸

Мулоҳаза ўрнида келтирадиган бўлсак, Воқидийнинг “Футуҳ аш-Шом” асарини ўқиб чиққан киши унда икки халифанинг – Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумонинг – шаънини топтайдиган гапларни учратмайди. Балки китобда иккисига айтилган мақтов ва уларнинг халифаликка ҳақлироқ эканлигини эътироф қилинганлигига гувоҳ бўлади.

Бунга ишора қилиб тадқиқотчи Муҳаммад Тарҳиний шиалик тарихчилар Воқидийнинг шиаликка мансублиги ҳақида келтиришмаган, деган ҳужжат билан бу фикрни радд этган Юсуф Ҳоровичнинг фикрига таянган ҳолда Воқидийнинг шиаликка мансублиги ўз исботини топмаганлигини айтиб ўтади. Хулафои рошидинларнинг тўртинчисига – Али ибн Абу Толиб розияллоху

⁷³ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Юсуф ат-Товил таҳқиқи. Ал-Фихрист.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1416/1929.-Ж.І.-Б.114.

⁷⁴ Мисол тариқасида Ибн Саййид ан-Носнинг “Уюн ал-асар”, Имом Заҳабийнинг “Таҳзиб ат-таҳзиб”, Имом Сафадийнинг “Ал-вафий бил вафаят” асарларига қаранг.

⁷⁵ “Рофизийлар” бу ном билан номланишига сабаб улар Зайд ибн Алига байъат қилиб, сўнг уни тарк қилган ҳамда “Икки шайхдан (Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумодан) воз кечсанг, биз сен билан жангга чиқамиз” дейишган. У: “Иккиси бобомнинг вазирини бўлган. Мен улардан воз кечмайман” деганида, улар уни тарк қилишиб, уни ёлғиз қолдиришган ва шунда буён “рофизийлар” деб номланган. Қаранг: Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн ар-Розий. Али Сомий Нашшор таҳқиқи. Ёътиқодату фироқ ал-муслимин ва мушрикин.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1402/1981.-Ж.І.-Б.52.

⁷⁶ Жамулиддин Абулфараж ибн Жавзий. Манакиб ал-имам Аҳмад ибн Ханбал.-Байрут: “Дар ал-афак ал-жадийда” нашриёти, 1402/1977.-Б.165.

⁷⁷ Шихобиддин Саййид Маҳмуд ал-Алусий. Соббул азаб ала ман сабба ал-асъхаб.-Риёз/Саудиа Арабистони: “Илмий тадқиқот иши” 1417/1994.-Ж.І.-Б.387.

⁷⁸ Хусайн ал-Мавсавий. Лиллаҳи сумма лит-тарих. (Кашф ал-асрор ва табриа ал-аимма ал-атҳор). 2010.-Б.70



анхуга – тегишли хабарларда Воқидий у борада турли қавлларни зикр қилиш орқали бетарафлик йўлини тутганлигига қўшимча тарзда китобларининг бирортасида Али розияллоху анхуга тарафдор эканлигини зоҳир қилмаганлиги каби, шунингдек, “Футуҳ аш-Шом” асарида ҳам кўплаб Қуръон оятларидан далиллар келтирганлигига гувоҳ бўламиз.⁷⁹ Агарда Ибн Надим айтганидек, Воқидийнинг шиаликка мансублиги борасида айtilган гаплар асосли бўлганида, биз бунинг аксига гувоҳ бўлган бўлардик.

Эҳтимол бу Сулабий айтганидек, “Рофизийларнинг одатларидан бири бу ўз жамоаларини кўпайтириш мақсадида машхур инсонларн ўз йўналишларига нисбат беришларидир” деган гапга тўғри келиши мумкин.⁸⁰

Тўртинчидан, юқоридагилардан ҳам муҳимроқ бўлган жиҳат бўлган бир жиҳат шуки, Ибн Абулҳадид⁸¹ каби баъзи шиаликка мансуб олимлар ўзларидан нақл қилиб айтган гапларидир. Ибн Абулҳадид ўзининг китобида Воқидий борасида бир боб келтириб, унда юқорида келтирилган ривоятдан фарқли бир ривоятни келтиради ва сўзини “Шиаларнинг ривоятида” деган сўзи билан бошлайди.⁸² Унинг келтирган ривоятида Воқидий шиаликка мансуб асосий манбаа дея эътиборга олинмаслигига қатъий тарзда далолат қиладиган жиҳатларни кўришимиз мумкин.

Бешинчидан, агар Ибн Надим айтганидек, Воқидий Пайғамбаримиз соллоллоху алайҳи васалламнинг наздларида Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг мавқеъини зикр қилганлиги сабабли шиаликка мансуб кишилардан деб ҳисобланса, унда Пайғамбаримизнинг:

أَفَلَا تَرْضَى يَا عَلِيُّ أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى

“Эй Али, мен учун худди Ҳорун Мусо учун бўлган бир мақомда бўлишни хоҳлайсанми?!”⁸³ деган сўзларини зикр қилган вақтда Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг Росулulloхнинг хузурларида қанчалик мақомда эканлигини келтириб ўтган Ибн Исъҳоқни нега зикр қилмайди. Бундан ташқари Ибн Исъҳоқ Пайғамбаримиз алайҳиссалом Бароат сураси ҳақида Макка мушрикларига хабар бермоқчи бўлганларида **“لَا يُؤَدِّي عَنِّي إِلَّا رَجُلٌ مِّنْ أَهْلِ بَيْتِي”** **(Мендан фақат менинг аҳлимдан бўлган кишигина етказсин!)⁸⁴** дея айтганини ҳам зикр қилган.

⁷⁹ Муҳаммад Амин ат-Тарҳиний. Ал-муаррихун ват тарих инда ал-араб. –Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти.-Б.57.

⁸⁰ Муҳаммад ибн Сомил ас-Сулабий. Манҳажу китабат ат-тарих ал-исламий.-Риёз/Саудиа Арабистони: “Дару Тайба” нашриёти, 1987.-Б.356.

⁸¹ Тўлиқ исми Иззуддин Абдулҳамид ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий ал-мўтазилийдир. Куняси Абу Ҳомид. Ғулувга кетган шилардан бўлган шоир ва ёзувчи. Ҳижрий 655-йилда (мил.1257.й.) вафот етган. Қаранг: Салоҳиддин Холил ибн Ойбек ас-Сафадий. Ал-вафий бил вафаят. Олимлар гуруҳи томонидан таҳқиқ қилинган.-Байрут/Ливан: “Дау Содир” нашриёти, 1399/1979.-Ж.ХVIII.-Б.46.

⁸² Иззуддин Абдулҳамид ибн Абулҳадид. Муҳаммад Абулфазл Иброҳим таҳқиқи. Шарҳу наҳж ал-балаға. - Қоҳира/Миср: “Дару ихя ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1385/1985.-Ж.ХIV.-Б.212.

⁸³ Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъафирий. Аҳмад Жод таҳқиқи. Ас-сийра ан-набавийя.- Қоҳира/Миср: “Дар ал-ғод ал-жадид” нашриёти, 1424/2004.-Ж.II.-Б.519.

⁸⁴ Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъафирий. Аҳмад Жод таҳқиқи. Ас-сийра ан-набавийя.- Қоҳира/Миср: “Дар ал-ғод ал-жадид” нашриёти, 1424/2004.-Ж.II.-Б.545.



Бу Ибн Исъҳоқ келтирган нақллар унинг шиа эканлигини ёки “алавийлик”ка мойиллигини назарда тутадими?

Бу ўринда эътиборимизни тортадиган яна бир жиҳати Воқидий ўз китобларида Ибн Исъҳоқ келтирган юқоридаги каби иборани келтирмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, Ибн Надим Воқидий “тақийя”ни лозим тутар эди, дея бу гапга далил қилаётганлигини кўраемиз. Ваҳоланки, биз кўплаб ўринларда “Пайғамбаримиз соллоллоху алайҳи васаллам Алининг қўлида жон бердилар” каби Али каррамоллоху ваҳҳахунинг ёнини оладиган сўзларни зикр қилса ҳам, бироқ унга тарафдор эмаслигини кўрсатиб берганлигига гувоҳ бўламиз.⁸⁵

Олтинчидан, Ҳорович Воқидийни “шиа”ликка мансуб дея келтирилган айбловга қарши туриб, “Диққатга сазоворки, Воқидий ҳазрати Али ҳақида Ибн Исъҳоқ айтгани каби гапларни айтмаган ёки у каби гапларни фақат мулоимлик билан иқтибос қилиб келтирган бўлиши мумкин. Шунингдек, Воқидийнинг ривоятларида Ибн Исъҳоқ зикр қилганидек Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг:

أَفَلَا تَرْضَىٰ يَا عَلِيُّ أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَىٰ

“Эй Али, мен учун худди Ҳорун Мусо учун бўлган бир мақомда бўлишни хоҳлайсанми?!” ҳамда Бароат сурасини Маккага етказиш учун:

“لَا يُؤَدِّي عَنِّي إِلَّا رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ بَيْتِي”

“Мендан фақат менинг аҳлимдан бўлган кишигина етказсин!” деган ибораси мавжуд эмас” деди. Сўнгра бу гапларга қўшимча қилиб, “ “Шиа”ликка мансуб кишининг ҳазрати Алининг солиҳ инсон эканлиги борасида ҳадисларини ҳазф қилиши ёки ўзгартириши бизни даҳшатга солади” дейди.⁸⁶ У бу масалага доир ўз фикрини яқунлаб, “Ал-фиҳрист” асари Воқидийни “шиа”ликка мансуб деган ягона китоб эканлиги ва шиалар наздида мўътабар бўлган тарожим китоблари Воқидий ҳақида буни зикр қилмаганлигига ишора қилиб ўтади.⁸⁷

Еттинчидан, Худди Ҳорович каби Воқидийнинг “Ал-мағозий” асарининг муҳаққиқи Жонс ҳам Воқидийнинг шиаликка мансублиги масаласи борасида фикр билдириб, “Агар биз Ибн Надимнинг “Воқидий “тақийя”ни лозим тутар эди” деган гапини қабул қиладиган бўлсак, ҳазрати Али ҳақида гапирганда ёки ундан ривоят қилган вақтда бу нарса зоҳир бўлиши лозим эди. Бироқ бунга гувоҳ бўлмаганмиз. Балки аксинча, Воқидийдан ҳазрати Алининг қадрини туширадиган ёки унинг шаънини камситадиган баъзи ривоятларни ҳам учратишимиз мумкин. У Пайғамбаримиз соллоллоху алайҳи васаллам Ухуддан Мадинага қайтишларини сифатлаб, “Фотима Пайғамбаримиз соллоллоху алайҳи васалламнинг юзларидаги қонни артди. Али эса, сув олиб келиш учун ховончага

⁸⁵ Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж. VII.-Б. 77.87.

⁸⁶ Юсуф Ҳорович. Ал-Мағозий ал-увла ва муаллифуҳа. (Араб тилига Ҳусайн Нассор таржима қилган)-Қохира/Миср: 1949.-Б.124.

⁸⁷ Юсуф Ҳорович. Ал-Мағозий ал-увла ва муаллифуҳа. (Араб тилига Ҳусайн Нассор таржима қилган)-Қохира/Миср: 1949.-Б.125.



кетди. Йўлга тушишдан олдин қиличини қолдириб, Фотимага: “Бу қилични таънага қолмайдиган ҳолатда тутгин!”, - деди. Росулulloҳ соллолоҳу алайҳи васаллам Алининг қўлидаги қилични қонга бурканганини кўргач, **“Ей, Фотима! Агар яхши урушадиган бўлсанг, у ҳолда Осим ибн Собит⁸⁸, Ҳорис ибн Сомма⁸⁹, Саҳл ибн Ҳанийф⁹⁰ ҳамда Абу Дужона⁹¹ ҳам таънага қолмайдиган ҳолатда яхши жанг қилишди”**, - дедилар.⁹²

У бунга қўшимча тарзда “Воқидий наздида Бадр ғазотида Қуройшдан бўлган ўлдирилганларнинг ададига қарайдиган бўлсак, ҳазрати Али Туайма ибн Адийни ўлдирганлигини кўрамиз. Бироқ Воқидий Туаймани Али эмас балки Ҳамза ўлдирганлигини келтиради” дейди.⁹³

Саккизинчидан, баъзи манбааларда келтирилишича, халифа Маъмун Тихомадаги шиаларга қарши курашиш учун Муҳаммад аз-Зиёдийни⁹⁴ Тихома⁹⁵ шаҳарларига волий қилиб таъйинлади⁹⁶. Агарда Воқидий ҳам шиаликка мансуб бўлганида халифа Маъмун уни Бағдодда қозилик лавозимига таъйинламас ва Воқидий ҳам унга яқин бўлмас эди. (Бу ҳақда қуйида ҳам келтирилади)

Тўққизинчидан, мусулмон тарихчиларнинг унга нисбатан айтган мақтовлари. Хатиб ал-Бағдодийдан “Воқидий ислом ишида инсонларнинг

⁸⁸ Тўлиқ исми Осим ибн Собит ибн Абулафлаҳ ал-Ансорий. У басрада яшаган ва Бадрга гувоҳ бўлган саҳобалардан. Абул Афлаҳнинг исми Қайс ибн Исма ибн Нўмон ибн Молик ибн Умайя ибн Забйба ибн Зайд бўлиб, “Ражийх” кунда шаҳид бўлган. Қаранг: Ибн Абдулбарр Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий. Шайх Али Муаввиз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмақсуд таҳқиқи. Ал-истийъоб фий маърифат ал-асъҳоб.-Байрут/Ливан: “дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1415/1995.-Ж.II.-Б.779.

⁸⁹ Тўлиқ исми Ҳорис ибн Сомма ибн Амр ибн Атик ибн Нўмон бўлиб, Бадрга чикқан. Уҳудга гувоҳ бўлган ва Биър Маъуна кунда шаҳид бўлган. Қаранг: Аҳамд ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-исоба фий тамйиз ас-соҳаба.-Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1398/1978.-Ж.I.-Б.578.

⁹⁰ Тўлиқ исми Саҳл ибн Ҳанийф ибн Ваҳиб ибн Аким ибн Саълаба ибн Ҳорис ибн Мажъада бўлиб, куняси Абул Валийд. Ҳижрий 38-йилда Куфада вафот етган ва унга ҳазрати Али жаноза намозини ўқиган. Бадр ва Уҳудга гувоҳ бўлган. Ўша кунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан бирга собит туриб жанг қилган. Уҳуд кунда тепасида ўк-ёйлар отилиб турган вақтда ўлимга байъат берган. Росулulloҳ билан бирга Хандақ ва барча жангларга гувоҳ бўлган. Сиффин кунда ҳазрати Али билан бирга жанг қилган. Қаранг: Абулфараж Абдурахмон ибн Жавзий. Муҳаммад Абдулкодир ал-Ато таҳқиқи. Ал-мунтазам фит тарихи ал-умам вал-мулк.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1412/1992.-Ж.V.-Б.154.

⁹¹ Тўлиқ исми Саммок ибн Харшо ал-Ансорий бўлиб, унинг Бадрга губов бўлганлиги муттафақун алайҳдир. Ҳазрати Али уни Ямомада шаҳид бўлган, дейди. Ибн Исъҳоқ Язид ибн Саканнинг тариқидан келтириб айтади: “Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васалламни уруш авжига чикқан пайтда Абу Дужона Саммок ибн Харшо химоя қилиб, унга кўп жароҳат йетган. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан собит бўлган хабарда “Пайғамбаримиз алайҳиссалом Уҳуд кунда қилични олиб, “Бу қилични ўз ҳаққи ила ким олади?” дедилар. Уни Абу Дужона олди ва у билан мушрикларга қарши жанг қилган”. Қаранг: Ибн Абдулбарр Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий. Шайх Али Муаввиз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмақсуд таҳқиқи. Ал-истийъоб фий маърифат ал-асъҳоб.-Байрут/Ливан: “дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1415/1995.-Ж.II.-Б.779.

⁹² Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидий. Морсин Жонс таҳқиқи. Ал-Мағозий.-Байрут/Ливан: “Алам ал-кутуб” нашриёти, 1404/1984.-Ж.I.-Б.17.

⁹³ Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидий. Морсин Жонс таҳқиқи. Ал-Мағозий.-Байрут/Ливан: “Алам ал-кутуб” нашриёти, 1404/1984.-Ж.I.-Б.17.

⁹⁴ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Зиёд ибн Убайдуллоҳ ибн Робий аз-Зиёдий ал-Басрий бўлиб, куняси Абу Абдуллоҳ бўлган. Бухорий ундан ҳужжат қилиб келтиради. Ҳижрий 250-йилда вафот етган. Қаранг: Сулаймон ибн Халаф ибн Моликий ал-Бажий. Аҳмад Баззор таҳқиқи. Ат-таъдил ва-тажриҳ лиман хорража анху ал-Бухорий. -Мағриб: “Вақф ва исломий ишлар вазирлиги”.-Ж.II.-Б.634.

⁹⁵ Ҳижоз ва Яман ўртасидаги жой бўлиб, унинг чегараси ғарбда Қалзам (Қизил денгиз) денгизидан, шарқ ва шимолий жанубда еса, туташ тоғлар билан ўралган. Қаранг: Якут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мўжам ал-Булдон.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти.-Ж.II.-Ж.I.-Б.63.

⁹⁶ Зайниддин ибн Умар ибн Музаффар ал-Варадий. Тарихи Ибн ал-Варадий.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1417/1996.-Б.204.



билимлисидир” дея айтган гапи келтирилади.⁹⁷ Хатиб ал-Бағдодий ва Якут ал-Ҳамавий Иброҳим ал-Ҳарбийдан “Воқидий ислом аҳлига инсонларнинг омонатдорроғидир” дея нақл қилган.⁹⁸ Имом аз-Заҳабий ҳам ундан “Воқидий мағзий ва сияр борасида бош (пешқадам) бўлган дея нақл қилади⁹⁹. Абул Фадо (ваф.732/1331.х) у ҳақда “У ҳадис, фикҳ, ҳукм ва хабарлар борасида ориф эди. У бу илмларни ўзи сўзлаб берган китоб ва манбаалардан таҳриж қилган” дейди.¹⁰⁰

Демак, Ибн Надимнинг даъвосига кўра Воқидийни шиаликка мансуб дея фараз қилган тақдиримизда мусулмон олимларнинг унга нисбатан айтган мақтовлари қандай ақлга сиғади. Менинг фикримча бу муҳол ва фаҳмлаш ҳамда қабул қилиш қийин бўлган бир ишдир.

Хулоса шуки, ишораларнинг барчаси Воқидийнинг шиаликка мансуб эмас балки аҳли сунна вал жамоа эътиқодида эканлигини қувватлайди. Балки юқорида айтилганларга қўшимча тарзда мени бунга ундаган улкан иш бу биз учун сияр, мағозий ва исломий фатҳларни сақлаб берган илк кишилардан бири эканлигидир.

Фойданилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлар кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 19 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 12 ноябрь.
3. V.M.Zaporozhets. The Seljuks. – Hannover: the European Academy of Natural Sciences e.V. , 2012. – 321 p.
4. Ibn Asir. الكامل في التاريخ (Al-Komil fit-tarix), VIII juz. – Beirut-Lebanon: Dar Al-Kotob Al-Ilmiyah, 2003. – 532 b.
5. Imom al-Hofiz Abul Fado Ismoil ibn Kasir al-Qurayshiy ad-Dimashqiy. البداية و النهاية (Al-Bidayatu van-nihaya). al-Giza (Misr): Hajr, 1998.
6. Maqriziy. السلوك لمعرفة دول الملوك (As-Suluk lima’rifati duvalil-muluk), I juz. Beirut-Lebanon: Dar al-kotob al-ilmiah, 1997. – 566 b.
7. Shamsuddin Muhammad bin Ahmad Usmon az-Zahabiy. سير أعلام النبلاء (Siyar a’lamu an-nubala), XXIII juz. Beirut-Lebanon: Baytul-afkor ad-davliyya. 2004.

⁹⁷ ⁹⁷ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти,-Ж.Ш. -Б.5.

⁹⁸ ⁹⁸ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти,-Ж.Ш. -Б.5.

⁹⁹ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Тазкирот ал-хуффош.-Саудиа Арабистони: “Дару иҳя ат-турос ал-арабий” нашриёти, 1374/1954.-Ж.І.-Б.348.

¹⁰⁰ Абул Фадо Исмоил ибн Али. Ал-мухтасар фий тарих ал-башар.-Қоҳира/Миср: “Ал-матбаъат ал-хусайнийя” нашриёти, 1325/1906.-Ж.ІІ.-Б.28.



8. Ahmed bin Mahmud. Selçuk-Name, 1-2.cilt. – İstanbul: Kervankibatçılık basın sanayiiveticaret A.Ş., 1977. – 202 s.
9. Ali Sevim. İbnül-Kalânîsinin Zeylû tarih-i Dimaşk adlı eserinde Selçuklularla ilgili bilgiler // Türk tarih belgeleri dergisi. Cilt: XXIX, Sayı: 33. 2008. – S. 1-42
10. Muharrem Kesik. Sultan Alp Arslan'ın Liderlik Vasıfları // İnsan ve Toplum Bilimleri Dergisi, Sayı4. 2014. – S. 43-52.
11. Muhammed Kemaloğlu. XI.-XIII. yüzyıl Türkiye Selçuklu devletinde eğitim-öğretim (medreseler) // Akademik Tarih ve Düşünce Dergisi. Cilt:2, Sayı:5. 2015. – S. 62-79.
12. Prof. Dr. Muharrem Kesik. Selçuklular tarihi. – İstanbul: İstanbul üniversitesi Açık ve uzaktan eğitim fakültesi, 2010. – 374 s
13. Prof. Dr. Faruk Sümer. Oğuzlar. – Ankara: Ankara üniversitesi basimevi, 1972. – 574 s.
14. Prof. Dr. Osman Turan. Selçuklular Tarihi ve Türk-İslam Medeniyeti. – İstanbul: Turan neşriyat yurdu, 1969. – 492 s.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўлёзмалар бўлими сайти <http://nodir.natlib.uz:8095/uz-Cyrl-UZ>
2. Ўзбекистон тарихий ва илмий-адабий манбалар сайти <http://ziyonet.uz/>